

ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Анвар Қаноатович ШИРИНОВ

катта ўқитувчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг турли халқаро индекс ва рейтинглардаги кўрсаткичлари Барқарор Ривожланиш Мақсадлари нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Ўзбекистоннинг ривожланиш моделларида бу кўрсаткичларнинг аҳамияти асосланган.

Таянч сўзлар: инсон капитали, Барқарор Ривожланиш Мақсадлари, индекс, рейтинг, халқ таълими, рақамли технологиялар, инновацион, модел.

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ РЕАЛИЗАЦИИ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Анвар Қаноатович ШИРИНОВ

Старший преподаватель

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В данной статье проанализированы показатели Узбекистана в различных международных индексах и рейтингах сквозь призму Целей Устойчивого Развития. Обосновано значение этих показателей в моделях развития Узбекистана.

Ключевые слова: человеческий капитал, Цели Устойчивого Развития, индекс, рейтинг, народное образование цифровые технологии, инновационный, модель.

Ўзбекистоннинг халқаро индекс ва рейтингларда юқори ўринларни эгаллашига эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқаро рейтинг ва индекслар дунёдаги институционал муҳитнинг сифатини баҳолаш – иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти сифатида умум эътироф этилган воситалар ҳисобланади. Бугунга келиб бу кўрсаткичлар экспертлар, давлатлар даражасида ислохотларнинг муваффақияти мезонлари сифатида қўлланила бошланди.

2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонлик ўқувчиларни баҳолаш халқаро даражасини PISA (The Programme for International Student Assessment) рейтингда етакчи 30 мамлакат қаторига киришига эришиш

белгиланган. Бу ўз навбатида халқ таълимига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини оширишни назарда тутди.

Бунда инсон капиталини меҳнат бозорида ва умуман мамлакатда ўқувчининг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи асосий омил сифатида ривожлантириш кўзда тутилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни амалга оширишда дунё мамлакатлари аҳолисининг ҳаётий муҳим масалалари, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги муаммолари, уларни ҳал этишдаги муаммолар бўйича 100 га яқин халқаро рейтинг агентликларининг фаолияти диққатга сазовордир. Булардан 24 тасини амалга ошириш Ўзбекистон учун устувор деб ҳисобланади.

Мамлакатимизда инсон тараққиётини таъминлаш мақсадида 2022 йил якунига қадар дарсликларни янгилаш вазифаси 4 та синфни қамраб олиши белгиланган. Бундан ташқари, 2022 йилда инглиз, немис ва рус тилларидан Кембридж, Клетт нашриётлари ва Герцен номидаги Россия Давлат педагогика университетининг юртимиз таълим тизими талабларига мос равишда маҳаллийлаштирилган дарсликларини жорий қилишлари режалаштирилган. Ҳозирга қадар, қатор янги дарсликлар мактаблар учун чоп этилиб, ўқувчилар учун фойдаланишга тайёр қилиб қўйилган. Бунда 2020 йилда қабул қилинган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг роли катта. Стратегияга биноан «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитиш ташкиллаштирилиши назарда тутилган.

Ўзбекистонда матнни ўқиш ва тушунишнинг сифатини халқаро тадқиқ этишининг PIRLS (The Progress in International Reading Literacy Study) ва TIMMS (*Trends in Mathematics and Science Study*) тизимлари жорий этилмоқда.

STEAM (аниқ фанлар, технология, инжиниринг, дизайн ва математика) йўналишидаги фанларни ўқитиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Осиё Тараққиёт Банкининг 100 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган лойиҳасини амалга оширмоқда. Eduportal.uz порталида дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг электрон версиясини жойлаштириш ва янгилаш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистонда инсон тараққиётини таъминлаш мақсадида дарсларнинг режалаштириш босқичлари, Feedback бериш қоидалари, A-level ва IGCSE имтиҳонларига ўқувчиларни тайёрлаш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жаҳон банки томонидан шакллантирилган Инсон капитали индексида (Human Capital Index) 2020 йилда 0.63. бал билан Ўзбекистон 57-ўринни эгаллаган. Мазкур кўрсаткичда Қозоғистонда 55-, Қирғизистон 72-, Тожикистон 111-ўринни эгаллаган. Инсон капитали лойиҳасининг асосий мақсади жадал технологиялар ривожланиши даврида соғлом замонавий билимларга эга ва муаммоли вазиятларга мослашувчан авлодни тайёрлаш назарда тутилади. Мазкур индекс илк марта 2018 йилдан бошлаб эълон қилинмоқда.

Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлик индекси (Global Competitiveness Index)га кўра Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари ҳали кўриб чиқилмаган. Ижтимоий объектларнинг юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминланганлик даражасини ошириш ҳам кун тартибидаги масала ҳисобланади. Бунда “Телетиббиёт” тизимини жорий этиш зарур.

2003 йилдан бери нашр этилиб келинаётган “Бизнес юритиш осонлиги” (Doing business) кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 69- ўринга кўтарилди. Мос

равишда бу рақамлар қўшни мамлакатлар Қозоғистон 25, Қирғизистон 80-ўринни ва Тожикистон 106- ўринни эгаллаган [3;89].

Мазкур фаолият мактабга асосланган ва дарсдан ташқари фаолиятларга мактабдан иш жараёнига ўтишни самарали таъминлаш ташкил этилиб бунда имконияти чекланган аёллар, хотин-қизлар ва ёшларга алоҳида эътибор берилади. Бунда American Councils for International Education етакчи ташкилот сифатида иштирок этиб, World Learning, Tech4Impact, Sharoit Plus, and Ergo Analytics каби ташкилотлар ҳамкор ташкилот ҳисобланади.

2021 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 654-сонли “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига биноан “Ижтимоий ҳимоя” ягона реестри ташкил этилди. Бу биринчи навбатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш мақсадига қаратилган.

Юртимизда рақамли технологиялар соҳасида стартап ва иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватловчи учта лойиҳадан иборат интеграциялашган дастур – STEP хусусида маълумот берилди. STEP шиори остида давлат-хусусий шериклик дастури, ўқув дастурлари, кўнгиллилар дастури ва бошқа дастурлар билан ҳамкорлик қилиш орқали ҳар бир лойиҳанинг ўзаро алоқадорлигини мустаҳкамлаш асосий мақсад этиб белгиланган.

2021 йилда Ўзбекистон глобал инновациялар индексида — 86 ўринни, рақобатбардош саноат унумдорлиги индексида — 94 ўринни, Heritage Foundation ташкилотининг иқтисодий эркинлик индексида 108 ўрин (2020 йилда 117- ўринни) эгаллади. Мисол учун бу кўрсаткич бўйича Қирғизистон 78-, Тожикистон 167- ўринни эгаллаган. Ўзбекистонда инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилганлиги БРМларга эришишда кўмаклашиши шубҳасиздир.

Йель университети томонидан эълон қилинадиган Атроф-муҳит самарадорлиги индекси (Environment Performance Index)га кўра Ўзбекистон 2022 йилда 107-ўринни эгаллаган. Бу кўрсаткич бўйича Қозоғистон 93-, Тожикистон 117-, Туркманистон 118- ва Қирғизистон 127 ўринларни

эгаллаган. Бунда минтақада сўнгги йилларда бўлиб ўтган ноқулай иқлим ходисаларининг роли катта.

Халқаро адолат лойиҳасининг WJP Rule of Law Index 2021 - Қонун устуворлиги индексига кўра Ўзбекистон 85- ўринни эгаллаган (Қиёслаш учун Қирғизистон 99, Қозоғистон 66 ўринни эгаллаган).

Буюк Британиянинг машҳур нашри Legatum Institute маълумотларига кўра Қонун маъмурчилиги индексида Ўзбекистон 100-ўринни эгаллаган (Қиёслаш учун Туркменистон 108, Қозоғистон 64, Қирғизистон 90-, Тожикистон 110- ўринни эгаллаган).

Transparency international рейтингда Ўзбекистоннинг кўрсаткичи 6 ўринга яхшиланиб 2021 йилда 140 га кўтарилган. Ҳолбуки 2016 йилда бу рейтингда мамлакатимиз 156- ўринда эди. Қиёслаш учун Қозоғистон 102-ўринни, Қирғизистон 144- ўринни, Тожикистон 150- ўринни, Туркменистон 169- ўринни эгаллаган.

2021 йилги натижаларга кўра инсон тараққиёти индекси бўйича Ўзбекистон 106-ўрин билан ҳозирги кунда Туркменистон (111-ўрин), Қирғизистон (120-ўрин) ва Тожикистон (125-ўрин) мамлакатларига нисбатан юқори рейтингга эга [1;20].

Жаҳон банкининг Ижрочи Директорлар кенгаши 2022 йил 7 июнда Ўзбекистонга 142 миллион АҚШ доллари миқдорида концессион кредитни ажратди. Бу молиялаш мамлакатнинг турли минтақаларида барқарор табиатни бошқариш менежменти ўрнатилган ерларни кўпайтириш, деградацияга учраган ерларни тиклашга ва трансчегаравий ландшафтларни тиклашда қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга қаратилган. Ушбу лойиҳани амалга оширишда International Development Association (IDA) Ўзбекистон Республикасини беш йиллик имтиёз даврига эга 30 йил давомида тўлашга мўлжалланган паст фоизли концессион молиялаштиради.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ЮНФПА Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган демографик барқарорлик

концепцияси қабул қилинди. Мазкур ислохотлар натижасида “Оила, маҳалла ва гендер тенглиги” мавзусида бадий асарларнинг электрон корпуси яратилди. “Бахтиёр оила” <https://baxtiyor-oila.uz> веб-портали ишга туширилди. Унда оила институтини мустаҳкамлашга оид маълумотлар ва тарғибот материаллари, соғлом авлодни тарбиялаш, оилаларнинг демографик ҳуқуқатворига хос хизматлар ҳақида маълумотлар жойлаштирилди. Мамлакатимизда ва хорижий давлатларда намунали ўзбек оиласи ҳамда маҳалла институтини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўзбек, рус ва инглиз тилларида илк маротаба Оила маънавияти концептига доир электрон тезаурус яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузуридаги “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти ҳам мамлакатимизда инсон тараққиёти масалаларига қўмаклашади. Институтда инсон тараққиётининг қуйидаги жиҳатлари тадқиқ этилади:

1. Бахтлилик ўлчови; 2. Қариндошлар ўртасида никоҳ: сабаб ва оқибатлар; 3. Фарзандимиз биздан кўра яхшироқ яшашини хоҳлаймиз ёхуд тарбиянинг баъзи жиҳатлари; 4. Меҳнат мигрантларининг оилаларида шахслараро муносабатларнинг педагогик-психологик омиллари; 5. Турар жой ва кундалик турмуш гигиенаси – фаровон оила асоси; 6. Хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан профилактик ишларни ташкил этиш; 7. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатиш; 8. Эрта турмуш – барчага ташвиш; 9. Репродуктив саломатлик ва жинсий тарбия – ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг муҳим омили; 10. Ота-оналик мактаби (ёхуд тарбияга оид янглиш тасаввурлар); 11. Репродуктив саломатлик ва жинсий тарбия – ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг муҳим омили. Мазкур масалаларни ижобий бартараф этиш мамлакатимизда барқарор ривожланиш мақсадларини ҳал этишда муҳимдир.

Ривожланишнинг ягона ўлчов воситаси сифатида ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини ўлчаш ўрнига инсон тараққиёти индекси ҳар бир

мамлакатдаги инсонлар эркинликка ва ўзлари қадрлайдиган ҳаёт кечириш имкониятига қай даражада эгалиklarини баҳолаш асосида мамлакатларни улардаги инсон тараққиёти даражасига кўра тоифалайди.

2020 йилнинг ҳисоботида Сайёравий босим бўйича тузатиш киритилган инсон тараққиёти индекси жорий этилди. 2020 йил учун ИТИ рейтинги доирасида ҳар бир мамлакатдаги саломатлик, таълим ва турмуш даражаси меъёрларини баҳолашга қўшимча равишда карбонат ангидридининг миллий даражадаги ташланмалари ва моддий асоратларни ҳисобга олувчи яна икки омил қўшилди.

2010 йилдан бошлаб БМТ Тараққиёт дастури ҳисоботларида инсон тараққиёти индексини ҳисоблаш методологиясига салмоқли ўзгаришлар киритилди. 2011 йилдан бери мазкур рейтингда иштирок этиб келаётган мамлакатлар сони ҳам 186 тадан 189 тагача бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон 2001 йилдан БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти ФАОга аъзо. 2022 йилгача бўлган Ҳамкорлик дастурига биноан учта соҳада саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Европа ва Марказий Осиёда барқарор озиқ-овқат тизимлари ва соғлом овқатланиш рационлари, ёшларнинг аҳволини яхшилаш, бандликни таъминлаш ва БМТ Оилавий фермер хўжаликлари ўн йиллиги муносабати доирасида қишлоқ туманларини ривожлантириш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун COVID-19 пандемияси оқибатларига қарши курашиш чоралари, қишлоқ хўжалигида инновация ва рақамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ислохотлар натижасида БМТ Барқарор Ривожланиш Мақсадларида белгиланган 2, 11, 15, 16 ва 17 мақсадларини бажариш таъминланади. Пировард натижада 2030 йилга келиб Ўзбекистон Республикасининг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига пойдевор яратилмоқда. Мазкур креатив ёндашувлар туфайли Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Саидова Л. Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадларининг бажарилиши ва таълим соҳасининг истиқболлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2018. – №1. – Б. 19-23.
2. Шукур, Эшқобил. Дунёни маънавият қутқаради //Маънавий ҳаёт, 2017. – №3. – Б. 16-21.
3. David R.Malpass. Doing Business 2020. Comparing Business regulation in 190 economies. World Bank Group. 149 P.